



Journal of Natural Science №4 (2021)

<http://natscience.jspi.uz>



<u>ТАХРИР ХАЙЬАТИ</u>	<u>ТАХРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ</u>
<p>Бош мухаррир – У.О.Худанов т.ф.н., доц.</p>	<p>1. Худанов У – Табиий фанлар факултети декани, т.ф.н., доц. 2. Шылова О.А.-д.х.н., профессор Института химии силикатов им. И.В. Гребенщикова Российской академии наук (ИХС РАН) 3. Кодиров Т- к.ф.д, профессор 4. Абдурахмонов Э – к.ф.д., профессор 5. Султонов М-к.ф.д,доц 6. Яхшиева З- к.ф.д, проф.в.б. 7. Рахмонкулов У-б.ф.д., проф. 8. Хакимов К –г.ф.н., доц. 9. Азимова Д- б.ф.н. 10. Мавлонов Х- б.ф.д.,доц 11. Юнусова Зебо – к.ф.н., доц. 12. Гудалов М- фалсафа фанлари доктори (география фанлари бўйича) (PhD) 13. Мухаммедов О- г.ф.н., доц 14. Хамраева Н- фалсафа фанлари доктори (биология фанлари бўйича) (PhD) 15. Рашидова К- фалсафа фанлари доктори (кимё бўйича) (PhD), доц 16. Мурадова Д- фалсафа фанлари доктори (кимё фанлари бўйича) (PhD), доц</p>
<p>Бош мухаррир ёрдамчиси-Д.К.Мурадова, PhD, доц.</p>	
<p>Масъул котиб- Д.К.Мурадова</p>	
<p>Муассис-Жиззах давлат педагогика институти</p>	
<p>Журнал 4 марта чикарилади (ҳар чоракда)</p>	
<p>Журналда чоп этилган маълумотлар аниқлиги ва тўғрилиги учун муаллифлар масъул</p>	
<p>Журналдан кўчириб босилганда манбаа аниқ кўрсатилиши шарт</p>	

Жиззах давлат педагогика институти Табиий фанлар факултети

Табиий фанлар-Journal of Natural Science-электрон журнали

[/http://www/natscience.jspi.uz](http://www/natscience.jspi.uz)

РЕСПУБЛИКАМИЗДА БОГДОРЧИЛИКНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.

Ортиқова Л. С. қ-х.ф.ф.д. (PhD) – ЖДПИ Биология ва уни ўқитиши
методикаси кафедраси

Маматқұлова С - биология йұналиши, II-босқыч магистри

Аннотация: Мамлакатимизда богдорчилик ривожлантириш борасида олиб борилаётган илмий изланишларни ишлаб чиқариш билан боглиқлиги, хўжаликлардаги олиб борилаётган кенг кўламли ишлар ёритилган.

Калит сўзлар: богдорчилик, хўжалик, майдон, ишлаб чиқариш, мева, узум.

Аннотация: В связи с производством научно-исследовательских работ по развитию садоводства в нашей стране проводится масштабная работа в фермерских хозяйствах.

Ключевые слова: садоводство, сельское хозяйство, поле, производство, фрукты, виноград.

Abstract: In connection with the production of research works on the development of horticulture in our country, large-scale work is being carried out in farms.

Keywords: gardening, agriculture, field, production, fruits, grapes.

Мамлакатимизда богдорчилик ва узумчилик тез суръатлар билан ривожланиб бормокда. Тошкент, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида 100–150 минг гектар майдондан ортиқ тогли ва тоголди худудлари мавжуд бўлиб, ушбу худудларда узумчиликни ривожлантириш имконияти жуда катта. Бог ташкил этишда мевали дарахтларнинг хил ва навларини танлаш. Богдорчилик хўжаликлирида мева ва резавор мевалар ўсимликлари асосий ишлаб чиқариш воситаларининг бир қисмини ташкил қиласди. Улар бошқа асосий ишлаб чиқариш воситаларидан ерга доимий илдизлари орқали бириктирилганлиги билан фарқ қиласди. Мева ва резавор меваларнинг хили ва навларига, экилгандан кейин неча йилдан кейин мевага кириши, қанча йил яшаши, ҳосилдорлиги, йилнинг даврлари бўйича ишчи кучига, техникага талаби, ҳосилни йигиб олиш вақти, ташиш, сақлаш ва қайта ишлашга кетадиган сарфларга қараб баҳо берилади. Богдорчилик ва токзорчиликнинг иқтисодий самарадорлиги мева ва резавор меваларнинг навларига кўп жиҳатдан боглиқ бўлади. Мева ва узум навлари доим янгиланиб туради, мавжуд навлардан баъзилари айнийди, уларни бошқа навлар билан алмаштириш керак бўлади. Ҳар бир нав маълум иқлим ва тупроқ шароитларига мослашсагина юқори ҳосил беради. Туманлаштирилган стандарт навлар маълум талабларга жавоб бериши лозим. Улар юқори ҳосилдорлик, хушбўй, мазали ва йирик, узоқ жойларга таш ишга ҳамда узок

сақданишга мўлжаллланган, совуққа, қурғоқчиликка ва касалликка чидамли бўлиш и керак. Туманлаштирилган барча навлар вилоятлар шароитида 2—3 гурухга бўлинади. Биринчи гурухни юқори ҳосилли, совуққа чидамли ва сифатли мева берадиган навлар ташкил қиласди. Бундай мевалар хўжаликда 70—80 % ни ташкил қилиши мумкин. Иккинчи гурухга ҳосили ва мазаси жиҳатидан биринчи гурухдан кам фарқ қиласди, лекин қишида яхши сақланадиган навлар киради. Бундай мевалар 10 -15 % ни ташкил қиласди. Учинчи гурухга хўжалик ишлаб чиқаришида синаш учун ўстириладиган меваси анча қимматли хусусиятларга. Шаҳар аҳолисини йил давомида хўл мева билан таъминлаб турувчи хўжаликлар қўпроқ ҳар хил нав ва турдаги меваларни кўпайтирадилар. Бундай хужаликларда резавор мевалар 30 — 35 % ни ташкил этади. Мева, резавор — мева ва узумлар озиқ-овқат саноати учун хомашё сифатида топш ирилиб, улардан мева консервалари, концентратлар, шарбат, сироп, мармелад ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Ҳар хил вақғда пишадиган навлар танланса ва меваларни узок вақт сақлаш таъминланса аҳолини йил бўйи янги мева билан таъминлаш мумкин бўлади. Лекин ҳар хил иақтда пишадиган навларни жуда кўп экиш ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Чунки бундай ҳолда bog қатор орасини иш лаш, териш ва сотиш ишлари мураккаблашади. Резавор мевалар тез мевага киради. Қулупнай иккинчи йили, см ородина, малина, крижовник учинчи йилдан ҳосил беради ва эрта пиш ади, лекин мевасини териб олиш ва янги ҳолида фойдаланиш 1-1,5 ойни ташкил қиласди, холос. Қисқа вақғда териб олиш учун жўда кўп ишчи кучи талаб қилинади. Қулупнайнинг ҳар гектаридан 80 центнер ҳосил олинса, технологик карта бўйича териб олиш га 267 киш икуни зарур бўлади, яъни бу жами меҳнат сарф нинг 78% ини ташкил қиласди. Уруглик мевалардан янги ҳолда фойдаланиш 9-10 ойга боради (июл ойидан келаси йил май ойигача). Мевасини териб олишга ҳам харажат кам кетади. Бир гектар олмадан 90 центнердан ҳосил олинса, териб олишга 20 киши зарур бўлади, яъни бу жами сарфнинг 20% ини ташкил қиласди. Тезпишар мевалар 3-5 йилда, бошқалари эса 7-9 йилда ҳосилга киради. Данакли мевалар 4-5 ой ичida териб олимади. Май ойида пишадиган гилосдан тортиб октябр ойида пиш адиган кечки шафтоли бунга мисол бўла олади. Данакли меваларнинг хили ва нави тўғри танланса ишчи кучидан унумли фойдаланилади. Масалан, Фаргона вилояти Қува туманида bogорчиликда асосий ўринни ўрикзорлар эгаллайди. Данакли мева болгалининг 60% ини ўрикзор, қолган 40% ини шафтоли, олхўри, олча, гилос ташкил этади. Туманда меваларнинг навлари тўғри танланганлиги ҳар йили юқори ҳосил олиш имконини беради. Кейинги йилларда Ўзбекистон селекционерлари томонидан меваларнинг янада яхшироқ сифатларга эга

булган бир қанча навлари яратилди ва уларнинг кўпчилиги республиканинг туманлаштирилган навлари қаторига киритилди. Меваларга иқгисодий баҳо бериш да ҳар қайси навнинг ишлаб чиқариш харажатларини қоплаши ва ҳар бир сўм сарфга қанчадан маҳсулот олинганлиги ҳисобланиши керак. Навга иқгисодий жиҳатдан баҳо берилганда ҳар қайси нав ялпи маҳсулотининг қиммати аниқданади. Бунда меваларнинг ёшига қараб ҳар гектардан олинадиган ҳосил, навнинг тезпиш арлиги, меванинг сифати ва узоқ сақланиши; совукқа, касалликларга ва ҳашаротларга чидамлилиги ҳисобга олинади. Меваларнинг ҳар йили бир хил ҳосил бериши ташкилий-хўжалик томонидан катта аҳамиятга эга, чунки ҳосил мўл бўлган йили навларга ажратиш, жойлаш, жўнатиш ва сакдаш учун кўплаб ишчи кучи талаб қилинади. Ҳосил кам бўлган йилда эса ишчи кучи, транспорт воситалари тўла равишда иш билан таъминланмайди. Натижада хўжаликларнинг керакли даромади ҳар йили бир хил бўлмайди. Ҳар гектардан олинадиган ялпи маҳсулот микдорини кўпайтиришда мева дараҳтларини пакана-пайвандтагда ўстириш муҳимдир. Пакана пайвандтакка уланган олма ва нок икки-уч ёш иданоқ ниш она қиласи, тўртинчи йили гектаридан 4 -6 тонна ҳосил олинади. Пакана дараҳтли бог тез ҳосилга кириш и, мўл ва муттасил ҳосил олиниш и жиҳатидан баланд дараҳтли богдан афзалликка эга. Пакана пайвандтакка уланган олма ва нок дараҳтлари унчалик катга бўлиб ўсмаганидан, баланд ўсадиган пайвандтакка уланган мева дараҳтига қараганда уч-тўрт марта кўп туп жойлашади. Дараҳт шоҳ-шаббасини сийраклаш, заракунанда ва касалликларга қарши дори пуркаш каби ишларга кетадиган меҳнат сарфи оз бўлади. Бог ва токзорлар учун жой танлаш. Мева ва ток кўчатларини ўтқазишда жойларни тўғри танлашга алоҳида аҳамият бериш керак. Ер, сув, трактор ва бошқа кишлоқ хужалик маш иналаридан унумли фойдаланиш, транспорт харажатларини камайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш кўчат экиладиган жойларнинг тўғри белгиланиш ига bogлиq бўлади. Бог ва токзорлар бир неча йилларга мўлжаллаб барпо этилади. Ҳар қайси хўжалик кўчат экилишидан олдин жойини тўғри танлаши лозим. Бунинг учун ерларнинг пастбаландлигига қараб сугориш шахобчаларини қулай жойлардан ўтқазиш ва насос станцияларини жойлаш тириш, мева ва токларнинг зоти ва навларини тупроқ шароитига кўра жойлаш тириш, ерларни кварталларга ажратиш, кварталлар ичida йўл қуриш, ихота дараҳтлари ўтқазиш, туп қалинлиги ва ишлаб чиқариш жараёнларини тўғри белгилаш керак бўлади. Терилган мева ҳамда узумларни қабул қилиб олиш, сортлаш, хиллаш ва жойлаш биноларни қуриш, маъмурий хўжалик бинолари, дала шийпонларни жойлаш тириш ўрганилиб чиқилади ва лойиҳалаш тирилади. Бог учун йўлга

ва аҳоли яш айдиган жойларга яқин бўлган 300 — 500 гектарлик ер ажратилгани мақсадга мувофиқдир. Бог ва токзорлар худудини белгилашда кварталларга бўлиш катта аҳамиятга эга. Квартал деб bog ҳудуди бир қисмининг йўл ёки ҳимоя дараҳтлари билан чегараланишига айтилади. Асосий ишлар — ерни ишлаш, ўгитлаш, ҳашорат ва касалликларга қарши кураш ва бош қа ишлар ҳар бир кварталнинг ўзида олиб борилади. Кварталларнинг катга — кичиклиги ва шаклини белгилашда — жойнинг рельефи, ер тузилиши, нишаблик даражаси ва ўтказиладиган дараҳт навлари эътиборга олинади. Майдони 200 — 300 гектар ва ундан ортиқ бўлган катта bogларда, agar ер рельефи тўғри бўлса, кварталлар 10 — 18 гектарни эгаллаб, уларнинг узунлиги 400 — 600 метр, эни 200 - 300 метрни ташкил этади. Майдони 50 — 100 гектар келадиган bogларда кварталлар 7-12 гектарни эгаллаб, уларнинг узунлиги 350 — 500 метр ва эни 200 — 250 метр бўлади. Кучли шамол эсиб турадиган туманларда кварталлар 3 — 5 гектардан иборат бўлиб, уларнинг узунлиги 200 — 300 метр, эни 150 — 200 метр бўлади. Резавор мевалар кварталлари 4—5 гектар бўлгани маъ- қул. Токзор кварталлари 10 — 25 гектарни ташкил этиб, уларни узунлиги 600 - 800 метр ва эни 250 — 300 метр бўлиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Атабаева X., Қодирхўжаев О. Ўсимлиқшунослик. – Тошкент, Янги валов асри, 2006.
2. Атабаева X., Умаров З. Ўсимлиқшунослик. – Тошкент, 2004.
3. Бўриев X., Абдурахмонов Л.А., Т.Жонибекова А. Гулчилик. - Тошкент, Мехнат, 1999.
4. Бўриев X., Зуев В. Сабзовот екинлари селлексияси, уругчилиги ва уругшунослигидан амалий машгулот (қўлланма). – Тошкент, Мехнат, 1997.
5. Бўриев X., Бойметов К. Мева екинлари селлексияси ва навшунослиги (дарслик). – Тошкент, 2001.
6. Ёрматова Д. Ўсимлиқшуносликдан амалий машгулотлар. – Тошкент, Илм Зиё, 2004.
7. Зуев В., Абдуллаев А. Сабзовот екинлари ва уларни етиштириш технологияси (дарслик). - Тошкент, Ўзбекистон, 1997.
8. Зокиров Т.С. Пахта даласи экологияси. – Тошкент, Мехнат, 1991.
9. Муталов К.А. Мевачиликдан маъруза матнлари. – Тошкент, 2001.
10. Муталов К.А. Токчиликдан маъруза матнлари. – Тошкент, 2001.